



КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Абдуллаев Зафаржон Алижонович,
DSc, профессор, Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети

Аннотация. Ушбу мақолада кичик бизнеснинг инновацион фаолияти ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш омили сифатида тадқиқот олиб борилган бўлиб, инновацион фаолияти бизнес жараёнларининг алоҳида тузилмаси, бошқарувнинг алоҳида объекти бўлиб, молиявий капитал, меҳнат ва бошқа ресурсларни бошқаришни ўз ичига қамраб олади. Тизимли ёндашувсиз бошқарув самарасиз бўлиб қолиши ва бу ҳолда инновациялар кичик бизнеснинг барча жараёнларига (интеллектуал, ижтимоий, иқтисодий, психологик) таъсир қўрсатиши лозим эканлиги таҳлил қилинганд.

Калит сўзлар: кичик бизнес, инновация, инновацион фаолият.

Кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида инновациялар соҳасидаги юзлаб ғоялардан кам сонли ғоялар иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли амалга оширилади, аксарият ғоялар эса иқтисодий самарадорлиги юқори эмас ёки иқтисодий жиҳатдан асосланмаган. Булардан кўриниб турибдики, таклиф этилган кўплаб инновацион ғоялардан, нисбатан саноқли ғояларни амалга ошириш кўзланган иқтисодий натижаларни бериши мумкин.

Василенок ва Бразевичлар томонидан кичик бизнеснинг муваффақиятли ишлаши қўйидаги омилларга боғлиқлиги қўрсатиб ўтилган:

- йирик компаниялар учун иқтисодий фойда келтирмайдиган товар ва хизматлар билан истеъмолчилар талабини қондириш;
- юқори капитал айланмаси;
- минтақанинг бевосита эҳтиёжларига мослаштирилган инновациялардан фойдаланиш.

Ҳудудларнинг ривожланиш даражасини баҳолашда минтақавий даражадаги асосий макроиқтисодий қўрсаткич сифатида ялпи ҳудудий маҳсулотни (ЯҲМ) қўрсатиб ўтиш мумкин бўлиб, мазкур қўрсаткич ҳудудлардаги якуний истеъмолга мўлжалланган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнини характерлайди. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммолари кўпдан буён турли илмий соҳа вакиллари томонидан муҳокамалар мавзуси бўлиб келмоқда. Неоклассик мактаб вакиллари бўлган P. Samuel'son, R. Solouлар иқтисодий тизимларнинг барқарор



ўз-ўзини ривожлантириш назариясига салмоқли ҳисса қўшган. Хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида худудларни ўз-ўзини ривожлантириш (self-development) шунингдек, ўз-ўзини ташкил этиш, ўз-ўзини таъминлаш, ўз-ўзини англаш контекстида масалалар кўриб чиқилган. Жумладан, Saiensushning таъкидлашича, инновацион барқарорликни бошқариш тизими маъмурий тартибга солиш ёрдамида тизимнинг мослашувчанлигини оширадиган ўз-ўзини ривожлантириш элементлардан иборат. Хитойда худудларнинг ўз-ўзини ривожланишини таъминлаш вазифаси давлат сиёsat таркибиغا киради. Бунда қашшоқ минтақаларга фан, техника ва таълимни ривожлантириш лойихаларига молиявий субсидиялар, инвестициялар бериш ва экологик вазиятни яхшилаш орқали ўз-ўзини ривожлантириш қобилиятини оширишга ёрдам бериш учун маҳсус сиёsatни жорий этиш зарурлиги белгиланган. Тизимли ёндашув нуқтаи назаридан, муниципалитетнинг ўз-ўзини ривожланишини яқин ва узоқ муддатда ушбу ҳудуд аҳолиси учун қулай яшаш шароитларини яратиш учун асосан маҳаллий, шунингдек жалб қилинган ресурслардан фойдаланишни максимал даражада оширишни тушуниш лозим. Муниципалитетларни ўз-ўзини ривожлантириш омиллари эксперт баҳолаш усулари, SWOT ва PEST таҳлил, ўз-ўзини ривожлантириш даражасининг интеграл кўrsatкичини ҳисоблаш орқали баҳоланади. Россия Фанлар Академияси Урал филиали Иқтисодиёт институти томонидан муайян ҳудуднинг қобилиятини баҳолашда мумкин бўлган учта мезондан фойдаланиш таклиф этилган: Биринчи мезонга кўра, ялпи минтақавий маҳсулотнинг ўсиши узоқ муддат давомида мамлакат бўйича ўртacha қийматдан юқори бўлган ҳудудлар ўзи ривожланаётган ижтимоий-иқтисодий тизимлар ҳисобланади. Иккинчи мезон бу ўсишни ўз молиявий имкониятларини ошириш ҳисобига, жумладан, кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш орқали маҳаллий қўшимча даромадлар тушумини таъминлаш. Ўз-ўзини ривожлантиришнинг учинчи мезони ички ва жаҳон хўжалигининг бошқа субъектлари билан интеграцион ўзаро муносабатлар жараёнида товарлар ва молиявий ресурсларнинг минтақавий оқимлари балансини акс эттириш учун мўлжалланган. Бу ерда сўз минтақавий иқтисодий тизимнинг савдо ва молиявий (тўлов баланси) ижобий салдосини барқарор сақлай олиш қобилияти тўғрисида бормоқда. Кўриниб турибдики, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини аниқлашда ушбу белгиловчи мезонлар ичида биринчи ва учинчи мезонларни қўллаш муаммо ҳисобланади.

Шундай қилиб, ўзини-ўзи ривожлантираётган муниципалитетларни аниқлаш мезони узоқ вақт давомида муниципалитет кўrsatкичлари ўсиш суръатларининг (абсолют ва ўртacha йиллик) ўртacha қийматига нисбатан юқори бўлиши мумкин. масалан, ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нисбатан юқори, саноат салоҳияти эса ўта паст бўлиши мумкин.



Шунинг учун саноат соҳаси аслида ҳудуд туманларининг ўз-ўзини ривожлантириш омили эмас. Ҳудудларнинг ўз-ўзини ривожлантиришида кичик бизнес инновацион фаоллигининг кучайиши муҳим омиллардан бири ҳисобланиб, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар улушининг юқорилигини ва бу ўз навбатида маҳаллий бюджет даромад тушумларини ўсишига олиб келиши натижасида бюджет соҳасида молиявий мустақилликни таъминлашга олиб келади. Жумладан, илмий-тадқиқот ва ишланмалар харажатларининг инновацион маҳсулотлар ҳажми ва кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаоллиги даражасининг ялпи ҳудудий маҳсулотга таъсирини баҳолашда кўп омилли корреляция таҳлили амалга оширилган. Амалга оширилган эконометрик таҳлил натижаларида ялпи ҳудудий маҳсулот даражасида кичик бизнес инновацион фаоллиги таъсири ижобий бўлиб, юқори статистик аҳамиятга эга эканлиги аниқланган. Олиб борилган барча эмпирик тадқиқот натижаларидан биринчи хулоса шуки, барча мамлакатларда ҳудудий ялпи маҳсулот ва маҳаллий бюджет даромад тушумлари ўртасидаги статистик боғлиқлик сезиларли даражада ижобий ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида натижаларни, яъни солиқларни йиғиш ва тўлаш қобилияти ривожланиш даражаси билан ортишини тасдиқлайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтамизки, кичик бизнес соҳасида инновацион фаолиятини кенгайтириш ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда катта аҳамиятга молик ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, инновацион кичик бизнесни ривожлантириш ҳудудлардаги кўплаб ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги муаммоларни ҳал қилишда муҳим бўлган омиллардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Lorenzo, G. B. Development and Development Paradigms. A (Reasoned) Review of Prevailing Visions: <http://www.fao.org/docs/up/easypol/>; Saiensus, M. Analysis of innovative sustainability of socio-economic systems / M. Saiensus // Socioeconomic Research Bulletin. 2014. – Iss. 4 (55). P. 109–114.
2. Saiensus, M. Analysis of innovative sustainability of socio-economic systems / M. Saiensus// Socioeconomic Research Bulletin. – 2014. – Iss. 4 (55).– P. 109–114.
3. Василенок В.Л., Бразевич Д.С. Малое предпринимательство как фактор развития инновационной экономики. Научный журнал НИУ ИТМО. Серия Экономика и экологический менеджмент № 1, 2018. <https://openbooks.itmo.ru>.
4. Горбань Г.П. Детерминанты саморазвития муниципального образования. Проблемы материальной культуры – экономические науки. <http://dspace.nbuu.gov.ua/bitstream/handle>.



5. Жовнирчік Я.Ф. 2005. Формування самодостатніх територіальних громад і стратегія їх економічного саморозвитку / Я. Ф. Жовнирчік // Університетські наукові записки.- № 1-2. (13-14). - С. 324-33.

6. Куйбіда В.С. Муніципальне управління: аспект інформатизації. Знання, 2004.- 357с.; Chinas Population and Development in the 21st Century.- Available at: <http://www.china.org.cn/e-white/21st/index.htm>.

7. Chinas Population and Development in the 21st Century -Available at: <http://www.china.org>.

8. Карпунина Е.К., Климентова Э.А., А.А. Дубовицкий. Влияние инновационной активности малого бизнеса на региональный экономический рост. https://www.elibrary.ru/download/elibrary_37337929_59707314.pdf.